

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғанга ёғоч Қуръон совға қилинди



17:40 / 03.04.2021 1868

Истанбулда Адолат ва тараққиёт партияси маҳаллий бўлинмасининг еттинчи йиғилишида Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғанга ғайриодатий совға — ёғочдан ясалган Қуръон топширилди. Ушбу ноодатий Қуръон нусхаси 79 ёшли туркиялик rassom Мунир Эрбурю томонидан тайёрланган. Қуръон 30 жилддан иборат. Ҳар бир жилднинг қалинлиги 4,5 см.

Қуръон қайин ёғочидан қилинган бўлиб, муқоваси теридан. Саҳифалар 3 мм қалинликдаги қайин тахталаридан қилинган.

«Бизда бу дарахт йўқ. У Россияда ва баъзи чегарадош мамлакатларда ўсади. Тахталар у ердан келди. Ёғочлари оқ ва қаттиқ бўлгани учун биз қайинни афзал кўрдик», дейди Мунир Эрбурю.

Rassom араб хаттотлигини ёғочга қандай куйдира бошлаганини куйидагича тасвирлаб берди: «1978-1980 йилларда кўлимда бурнер бор эди. Ўша пайтда мен савдо билан шуғулланардим. 1982-1983 йилларда менда катта қизиқиш уйғотадиган кўргазма бўлиб ўтди. 1998 йилда мен устахона очдим. Энди Туркиянинг турли минтақаларида талабаларим бор».

Совғани қабул қилган Ражаб Эрдўған Мунир Эрбурюни саҳнага таклиф қилди ва унга миннатдорчилик билдирди. Рассом айтганидек, шахсий учрашувда у давлат раҳбарига ўз тилаklarини билдирди: «Президентим, илтимос, уни яхши жойда сақланг». «Албатта», - дея ишонтирди Эрдўған.

Хуршид Маъруф тайёрлади